



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI  
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

Бог‘от shaharchasi, О‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 7 - aprel

664к -son

Бог‘от shaharchasi

**Богот тумани ҳокимининг  
2019 йил 18 январдаги 145қ-сонли  
қарорига ўзгартириш киритиш  
тўғрисида.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4102-сон қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан туманда худудларни комплекс ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга ошириш, ушбу мақсадда худудларни секторларга бўлиб ишни ташкил этиш тизимининг жорий этилганлиги халқ билан манзилли мулоқотнинг йўлга қўйилишига имкон яратиш, фуқароларнинг ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этиш, секторлар доирасида ишларни ташкил этиш сифатини ошириш, аҳоли билан очик тўғридан-тўғри мулоқотни кучайтириш ҳамда секторлар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 4102-сонли қарори ва шу юзадан қабул қилинган Хоразм вилояти ҳокимининг 2019 йил 11 январдаги 12қ-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимининг 2019 йил 18 январдаги 145қ-сонли қарорининг 2-бандига ўзгартириш киритилиб туман секторлар штаби таркиби 1, 1а, 1б, 1в - иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман иқтисодиёт тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (С.Курбонов) зиммасига:

секторлар фаолиятига оид маълумотларни жамлаш, улар томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва юритиш;

секторлар фаолиятини мувофиқлаштиришга кўмаклашиш;

секторларда амалга оширилган ишларни тизимли таҳлил қилиш, йўл қўйилган камчиликлар, бажарилмаган тадбирларнинг сабабларини аниқлаш ҳамда “йўл хариталари”ни шакллантириш;

секторларда аниқланган муаммолар ва уларни ҳал этиш натижалари юзасидан туман ҳокимиغا ахборотларни киритиб бориш топширилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман сектор раҳбарлари (Ш.Яхшибаев, А.Рузметов, А.Абдуллаев, Х.Жуманиёзов), туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (С.Курбонов) зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Ш.Яхшибаев